

«Иннаа лиллаахи ва инаа илайхи рожиъуун»нинг маъноси



19:00 / 23.10.2022 10061

Фузайл ибн Иёз раҳимаҳуллоҳ бир кишидан сўради:

Ёшингиз нечада?

У: «Олтмишда» деб жавоб берди.

Фузайл: «Сиз олтмиш йилдан бери Роббингиз томон юриб, Унга етишингизга оз қолибди», деди.

У киши: «Иннаа лиллаахи ва инаа илайхи рожиъуун». Яъни, Биз Аллоҳникимиз ва Аллоҳга қайтгувчимиз, деди.

Фузайл: «Ушбу калиманинг тафсирини биласизми?». Сиз «мен Аллоҳга бандаман ва Унга қайтувчиман...» дейсиз. Кимки Аллоҳнинг қули ва Унга қайтувчилигини билса, англайдикки, у мавқуфдир. Энди кимки мавқуф эканини англаб экан, билладикки, у масъулдир. Энди кимки масъул, сўралувчи эканини англаса, билладикки, савол учун, масъулият учун жавоб

бермоқ керакдир».

У киши: «Бунинг ечими нимада?» деган эди, Фузайл: «Унинг ечими енгил», дедилар.

У киши: «Унда ўша енгил ечимни айтинг», деди.

Шунда Фузайл: «Қолган нарсани яхшилаш билан ўтмишдаги хато кечирилишига сабаб бўлади. Агар сиз қолган нарсада хато ва гуноҳ содир қилсангиз ўтган ва қолган нарсангиз хусусида жазога тортиласиз».

Манба: @arabicuz

**Ибн Ражабнинг
«Жаамиъул улуми вал
ҳикам» асаридан.**